

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ  
АГРАР СЕКТОРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН  
ТАЪМИНЛАШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ТЎҒРИСИДА**

Республика қишлоқ хўжалигига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, захира ерлари, қайта тикланадиган ҳамда фойдаланишга киритиладиган ер майдонларини ўзлаштириш ва қисқа муддатларда ишлов бериш ҳамда пахта теришни механизациялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Textile Technologies Group» МЧЖ томонидан 2020 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида 54 млн АҚШ долларига тенг 1 000 дан ортиқ юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникалари, шу жумладан 66 та пахта териш машиналари кластернинг ўз маблағлари, шунингдек жалб этилган хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан харид қилиниши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимларининг Сирдарё вилояти Оқолтин ва Сардоба туманларида ҳамда Тошкент вилоятининг Бекобод, Бўка ва Чиноз туманларида «Textile Technologies Group» МЧЖ ва «ЎзКейсагролизинг» МЧЖ орқали (Case New Holland Industrial компанияси, «ЎзКейсагролизинг» ҚК МЧЖ ва «Textile Technologies Group» МЧЖ ўрталаридаги уч томонлама шартномага асосан) иловадаги рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмларини:

2021 йил 31 декабрга қадар божхона божидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этиш;

қўшилган қиймат солиғини тўлашни 270 кун муддатга кечиктириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 19 июнь,  
392-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 июндаги 392-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Textile Technologies Group» МЧЖ шаклидаги хорижий корхона қошида  
ташкил қилинган агросаноат кластерининг қишлоқ хўжалик техникалари**

**РЎЙХАТИ**

<b>Техниканинг номи</b>	<b>Русуми</b>	<b>Микдори (дона)</b>	<b>ТИФ ТН коди</b>	Трактор Case IH 140 от кучи	Puma 140 AFS	100	87 01
Трактор Case IH 210 от кучи	Puma 210	20	87 01				
Ғалла ўриш комбайни Case	AF 4088 4WD	23	8433 51 000				
Пахта териш комбайни Case 6 қатор	CE 635 (76cm)	26	84 33				
Пахта териш комбайни Case 4 қатор	CE 420 (76 — 90 cm)	20	84 33				
Пахта териш комбайни 6 қатор	JOHN DEERE CP 690	20	84 33				
Фронтал юк ортгич Case	695 ST	10	8429 51 990 0				
Пресслагич машина New Holland	BC 5070	40	84 33 40				
Омоч 3+1 Kongskilde	Overum CX F 41080E, 3+1	100	84 32				
Омоч 4+1 New Holland	PHF 51080S, 4+1	20	84 32				
Дискли борона Ma/ag	Trailed offset EDVI 940 32 12	20	8432 29 100 0				
Дискли борона Ma/ag	Trailed offset EDVI	6	8432 29 100 0				

Техниканинг номи	Русуми	Миқдори (дона)	ТИФ ТН коди	Трактор Case IH 140 от кучи	Puma 140 AFS	100	87 01
	940 36 12						
Дискли борона Ma/ag	«X» section EDX 2000 P 44 12	22	8432 29 100 0				
Ўзапоя майдалагич Falc	Shredder 4200 (for 6 rows of cotton at 76 cm)	18	8437				
Трактор учун юк ортгич Case Puma 140 от кучи	Front Loader for Puma 140	12	8432 90 000 0				
Трактор учун пневматик болға	CB61	2	8432 90 000 0				
Пневматик чигит экиш мосламалари	4 қатор	20	8432 31 900 0				
Пневматик чигит экиш мосламалари	6 қатор	50	8432 31 900 0				
Культиватор	6 қатор	200	8432 29 100 0				
Трактор тиркамаси (тележка)	12 тонналик	160	8607				
Трактор учун юқори клиренсли ғилдирак (шина ва дискли тўшлам)	270/95 R38, 270/95 R48	400	4011 70 000 0				
<b>Жами</b>		<b>1289</b>					

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.06.2020 й.,  
09/20/392/0778-сон)*